

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РЎЗМАТОВ ИЗЗАТБЕК БАХТИЁРОВИЧ

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ОМФАЛОЦЕЛЕНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рўзматов Иззатбек Бахтиёрович

Чақалоқларда омфалоцелени ташхислаш ва жарроҳлик даволаш
усулини такомиллаштириш..... 3

Рузматов Иззатбек Бахтиёрович

Совершенствование диагностики и хирургического лечения омфалоцеле
у новорожденных 21

Ruzmatov Izzatbek Baxtiyorovich

Improvement diagnosis and surgical treatment omphalocele at
newborns..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РЎЗМАТОВ ИЗЗАТБЕК БАХТИЁРОВИЧ

**ЧАҚАЛОҚЛАРДА ОМФАЛОЦЕЛЕНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Tib381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Эргашев Бахтиёр Бердалиевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Эргашев Насриддин Шамсиддинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Шамсиев Азамат Мухиддинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Абу Али Ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (70 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «болалар ўлимлари орасида ҳаётининг биринчи ойида ўлган чақалоқлар улуши айниқса катта бўлиб, 40-65% ни ташкил қилади, уларнинг аксарияти зудлик билан хирургик амалиётни талаб қилувчи туғма нуқсонлардан иборатдир»¹. Омфалоцеле ёки киндик тизимчасининг чурралари кўрсатилган оғир нуқсонлардан бири ҳисобланиб, бошқа барча туғма аномалиялар орасида 1,6-3,2% ҳолларда учрайди. Ўз вақтида даволанмаса, ўлим кўрсаткичи 100% гача етиши мумкин. Ушбу ривожланиш нуқсонини даволашнинг яқка умумқабул қилинган усули ҳануз мавжуд эмас. «Катта ва гигант омфалоцелеларни даволашга ёндашувларда, айниқса, катта фарқланишлар мавжуд бўлиб, висцеро-абдоминал диспропорция кучли ифодаланган ҳолатлар маҳаллий тўқималарни қўллаган ҳолда қориннинг олд деворини радикал пластикасини бажаришни чеклаб қўяди»². Бундай ҳолларда амалиёт бажариш пастки кавак венанинг босилиш синдроми ёки компартмент синдроми ривожланиши туфайли жиддий асоратларга, кўпинча, ўлимга олиб келади. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида турли синтетик ямоқларни қўллаган ҳолда пластик усулларнинг турли вариантлари қўлланади. Бирок, синтетик ямоқларни қўллаган ҳолда пластик усулларнинг турли вариантларини қўллашга кўрсатмалар бир қатор ҳолларда асосланмаган бўлиб, натижада амалиётдан кейин жиддий асоратлар ривожланиши мумкин, шу сабабли, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни давом эттириш истиқболли ҳисобланади.

Дунё амалиётида бугунги кунда омфалоцеле патогенезининг турли жиҳатларини очиб беришга қаратилган кўп марказли илмий тадқиқотлар давом эттирилмоқда, хусусан, ушбу патологиянинг ривожланишига икки омилнинг – ичакнинг ҳомила ичи бурилишининг биринчи даврининг бузилиши ва қорин олд девори шаклланиш жараёнининг бузилиши ўрганилмоқда. Эмбриогенезнинг эрта босқичларида нуқсоннинг шаклланиши ҳомила организмида патоморфологик ва патофизиологик ўзгаришлар ривожланишига олиб келади, шу сабабли, қорин олд девори нуқсонларининг, айниқса шу даврда ҳосил бўлишининг сабаб-оқибат муносабатлари фаол ўрганиб борилмоқда. Сариклик йўлининг ўз вақтида ёпилмаслиги, ва натижада, ичак бурилиши жараёнининг бузилиши, аъзоларнинг бир қисми киндик қобикларида қолиб, қорин олд девори меъёрда ёпилишига тўсқинлик қилиши фонида киндик тизимчаси чурраси ривожланишининг патоморфологик таҳлили давом эттирилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш ва кўламини сезиларли

¹ World Health Organization. Neonatal Surgeri: fact sheet no. 12. World Health Organization website, 2017. <https://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs12/en>, accessed February 14.

² Aljhdali AH, AL-Buainain HM, Skarsgard ED. Staged closure of a giant omphalocele with amnion preservation, modified technique //Saudi Med J.- 2017.- Vol. 38 (4). –P. 422-424.

кенгайтириш бўйича кенг қамровли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилган, хусусан, омфалоцеле билан болаларни хирургик даволаш сифатини яхшилашда ҳам муайян ижобий натижаларга эришилган. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Бунга мувофиқ равишда, чақалоқларда омфалоцелени ташхислашни оптималлаштириш ва хирургик амалиёт радикаллигини кенгайтириш йўли билан уни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш тадқиқотлар учун долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Киндик тизимчасининг чурраси кам учрайдиган ривожланиш нуқсонлари қаторига киради ва ўртача 3000-10000 та чақалоқдан бирида учради, турли даволаш усулларининг қўлланишига қарамай, ўлим кўрсаткичининг 25% дан 80% гача юқори бўлиши билан тавсифланади (Glasser JG⁴). Шу сабабли, омфалоцеле қорин олд девори ривожланиши туғма нуқсонларининг энг мураккабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Santana S⁵ фикрига кўра, «консерватив ва оператив даволашнинг оқибатлари турлича: кичик ўлчамдаги омфалоцеледа яхши бўлишидан тортиб, гигант ўлчамдаги чурраларда висцеро-абдоминал диспропорцияни ҳал қилиш критик даражада мураккаб бўлгани сабабли ёмон натижалар бўлиши мумкин». Ҳозирги вақтда қорин олд девори патологиясини ташхислашда антенатал УТТ «олтин стандарт» бўлиб ҳисобланади ва унинг сезгирлиги 70-100% ни ташкил этади. Ҳомиладорларда антенатал ташхислаш усулларини такомиллаштириш ушбу нуқсон

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴ Glasser JG. Pediatric Omphalocele and Gastroschisis // <https://emedicine.medscape.com>. Feb 06, 2017;

⁵ Santana S, Salci T, Andriato P, et al. Diagnosis and management of a fatal case of sepsis caused by Candida parapsilosis sensu in a neonate with omphalocele //Medical Mycology Case Reports. – 2018. – Vol. 20. – p. 10–14.

аниқланишининг ортишига олиб келди, лекин, аввалгидек унинг имкониятлари етарлича ўрганилмаган ҳисобланади.

Arunagiri V⁶ фикрига кўра, «ҳомилани антенатал ультратовуш ташхислаш ҳомиладорликни сақлаб қолиш ёки тўхтатиш масаласини ҳал қилиш, ривожланишнинг кўп сонли нуқсонларини аниқлаш, ушбу аномалиялар аниқланган болаларни туғдириб олиш муддати ва турларини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга». Адабиётлардаги маълумотларга кўра, ушбу нуқсонларни ташхислаш учун минимал муддат 12 ҳафта ± 3 кун ҳисобланади. Нуқсон аниқланмаслигининг сабабларидан уларни аниқлаш аниқ тизимининг йўқлиги, маслаҳат марказларига ҳомиладор аёлларнинг камчилиги келиши ва ушбу патологияни аниқлашда мутахассислар малакасининг етарли эмаслиги. Постнатал ташхислаш, постнатал кузатиш схемалари ва хирургик амалиётларга кўрсатмалар ҳануз жуда аҳамиятли ва кам ўрганилган масалалардан бўлиб қолмоқда. Аллотрансплантат сифатида биологик субстратлар (ксеноперикард, лиофилланган қаттиқ мия пардаси) асосида синтетик ямоқларни қўллаган ҳолда пластика турли вариантларини қўллаш натижаларини таҳлил қилиш бўйича тадқиқотлар яна бир аҳамиятли йўналишлардан бўлиб қолмоқда (Conner P⁷). Бироқ, ҳозирги вақтда омфалоцеле билан чақалоқларни оператив даволашда ушбу усул илмий асослаб берилмаган.

Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, омфалоцеледа даволаш-ташхислаш тактикаси ҳозирги даврда замонавий неонатал хирургиянинг долзарб ва охиригача ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қоникарсиз натижаларнинг сезиларли улуши, чурранинг ўлчамлари ва касалликнинг клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда даволашнинг оптимал усули, биринчи ёрдам турини танлаш мавжуд эмаслиги ушбу йўналишда тадқиқотларни давом этиш долзарблигини кўрсатади. Таъкидлаб ўтилганлар омфалоцелени ташхислаш ва хирургик даволашга оптимал ёндашувларни ишлаб чиқиш ва неонатал хирургик амалиётга татбиқ этиш зарурлигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти тлмий-тадқиқот ишлари режаларининг «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги 01980006703-сон (2015-2017йй.) илмий-тадқиқот ишлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чақалоқларда омфалоцелени диагностикаси ва хирургик даво усулларини такомиллаштириш асосида даво натижаларини яхшилаш.

⁶ Arunagiri V, Padmanabhan R, Mayandi P. A short term analysis of surgical management of umbilical and paraumbilical hernia //Turk J Surg. – 2018.- Vol. 34. – p. 21-23.

⁷ Conner P, Vejde HJ, Burgos MC. Accuracy and of prenatal diagnosis in infants with omphalocele //Pediatric Surgeri Internayional.- 2018. – Vol. 34. –p. 629-633.

Тадқиқотнинг вазифалари:

омфалоцелени анте- ва постнатал ташхислаш натижаларини таҳлил қилиш ва бошқа туғма аномалиялар таркибида ушбу нуқсоннинг учрашини аниқлаш;

ҳомилада омфалоцеле аниқланганида ҳомиладорликни сақлаб қолиш ёки тўхтатишга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

чақалоқларда омфалоцеледа туғруқ мажмуасида ва ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш учун йўналтириш босқичларида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш алгоритминини ишлаб чиқиш;

висцеро-абдоминал диспропорцияни ҳисобга олган ҳолда омфалоцеленинг турли шаклларида қорин олд девори пластикасининг янги усули ва оптимал даволаш тактикасини ишлаб чиқиш;

чақалоқларда омфалоцеле турига боғлиқ равишда нуқсонни хирургик даволашнинг яқин ва узоқ муддатдаги натижаларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика перинатал маркази қошидаги Республика неонатал хирургия ўқув-даволаш-методик марказида 2006-2017 йилларда омфалоцеле билан туғилган 103 нафар чақалоқлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети омфалоцелени хирургик даволаш босқичларида болалар соматик ҳолати ва ҳазм тизими аъзоларининг анатом-функционал ҳолатининг комплекс баҳолаш натижалари ташкил қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: клиник, инструментал (ҳомиладор ва ҳомилани УТТ, ички аъзолар ва чурра қопи таркибини постнатал УТТ, нейросонография, эхокардиография, қорин бўшлиғи умумий рентгенографияси, ошқозон-ичак тизимининг контрастли текшириш), биокимёвий, умумий клиник ва статистик текширув усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чақалоқларда қорин олд девори турли нуқсонларида вицеро-абдоминал диспропорцияни коррекция қилишнинг хирургик жиҳатларининг оптималлаштирувчи катта ўлчамли омфалоцелени даволаш усули ишлаб чиқилган;

висцеро-абдоминал диспропорция даражаси, чурра ўлчамлари, соматоневрологик фон ва ёндош нуқсонлар оғирлигига боғлиқ равишда омфалоцеле кечишининг оғирлигини баҳолаш мезонлари аниқлаштирилган;

бошқа туғма аномалиялар орасида омфалоцеленинг қиёсий ўрни белгиланган ҳамда ёндош нуқсонлар ва қорин олд девори нуқсони ўлчамлари ўртасидаги боғлиқлик исботланган;

анте- ва постнатал тадқиқотлар асосида қорин олд девори ривожланиш нуқсонлари ва омфалоцелега энг кўп ёндошлик қилувчи бошқа туғма нуқсонлар билан болалар туғилишининг хавф омиллари аниқланган;

ҳомиладорликни сақлаб қолиш ёки тўхтатишга кўрсатмаларни аниқлаштиришга ёрдам берувчи омфалоцелега ёндош аномалиялар

оғирлигини прогностик баҳолаш учун антенатал скринингнинг ультратовуш жиҳатлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чақалоқларда омфалоцеле бўлганида акушерлик ва биринчи ёрдам, йўналтириш вариантлари ҳамда оптимал даволаш тактикасини танлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ҳомилада омфалоцеле ва ёндош туғма ривожланиш нуқсонлари оғирлигига боғлиқ равишда эрта антенатал даврда ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатмалар аниқланган;

қорин олд девори ривожланиш нуқсонлари ва бошқа ёндош ривожланиш аномалияларини эрта антенатал ташхислаш учун ҳомилани ультратовуш скрининг самарадорлиги аниқлаштирилган;

кучли висцеро-абдоминал диспропорциялари бўлган чақалоқларда амалиётдан кейинги асоратлар частотасини ва ўлим кўрсаткичини қисқартириш имконини берувчи катта ўлчамдаги омфалоцелени оптимал хирургик коррекция усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги болалар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларини, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини қўллаш, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш билан асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материалда ўтказилган. Олинган натижаларга статистик ишлов бериш уларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чақалоқларда омфалоцелени ташхислашнинг замонавий усуллари ва хирургик даволаш вариантларини қўллаш билан тасдиқланган. Қорин олд девори ривожланиш аномалиялари ва омфалоцелега энг кўп ҳолларда ҳамроҳ бўлувчи туғма аномалиялар билан болаларнинг туғилиш хавф омиллари аниқланган ва бу мақсадга йўналтирилган анте- ва постнатал текширувлар ўтазиш имконини берган. Нуқсоннинг шаклига боғлиқ равишда хирургик даволаш усулини танлашда дифференциал ёндашувнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги исботланган. Чақалоқларда омфалоцеле ва бошқа ёндош ривожланиш аномалиялари эрта антенатал даврда аниқланганида ҳомилдорликни тўхтатишга кўрсатмалар аниқланган. Ишнинг айрим натижалари чақалоқларда омфалоцелени ташхислаш ва хирургик даволаш бўйича мавзуларда курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, чақалоқларда омфалоцеле бўлганида таклиф этилган акушерлик ёрдами спектри ва йўналтириш вариантларини аниқлаштирувчи ҳамда даволаш тактикасининг оптимал вариантини танлаш алгоритмлари даволаш натижаларини сезиларли яхшилаш имконини берган. Висцеро-абдоминал диспропорция даражаси, чурра ўлчамлари, соматоневрологик фон ва ёндош нуқсонлар оғирлигига боғлиқ равишда омфалоцелени даволашнинг турли

усулларига ўрсатмалар ишлаб чиқилган. Кучли висцеро-абдоминал диспропорция билан катта ўлчамли омфалоцелени самарали коррекция усули таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чақалоқларда омфалоцеленинг ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Чақалоқларда катта ўлчамдаги омфалоцелени даволаш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05314, 2016 йил). Тавсия этилган усул катта ўлчамдаги омфалоцелени даволашнинг бевосита натижаларини яхшилаш ва амалиётдан кейинги асоратлар частотасини қисқартириш имконини берган;

«Чақалоқларда омфалоцелени ташхислаш ва даволаш усулини танлаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 8н-д/151-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар омфалоцелени ташхислаш сифатини яхшилаш, қорин олд девори ривожланиши аномалияларини барвақт антенатал аниқлаш мезонларини оптималлаштириш имконини берган;

чақалоқларда омфалоцелени ташхислаш ва хирургик даволашни яхшилашга бағишланган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика перинатал марказининг Неонатал хирургия маркази, Тошкент шаҳри 1-сон болалар касалхонасининг болалар хирургияси бўлими амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 8н-д/151-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш омфалоцелени барвақт антенатал ташхислаш имкониятини ошириш, даволашнинг бевосита ва узоқ муддатдаги натижаларини яхшилаш, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини 52,1% дан 30,9% гача ва ўлим кўрсаткичини 43,8% дан 20% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 4 та республика конференциясида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 5 та мақола, улардан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, хотима ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Омфалоцеле билан касалланган беморларни клиник кечиши, ташхислаш ва даволаш ҳолатларига замонавий ёндашувлар”**, деб номланган биринчи бобида омфалоцеленинг умумий ва долзарб масалалари, омфалоцеле эмбриогенези, пренатал ташхислаш ва омфалоцелени таснифи, клиник кечиши, асоратлари ва ташхислаш, жарроҳлик даволашга қаратилган замонавий қарашларга бағишланган адабиётлар таҳлили баён этилган. Мунозараларга сабаб бўлган ва келгусида ишлаб чиқишни талаб этувчи баҳсли масалалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Клиник материаллар ва тадқиқот усулларига умумий тавсиф”**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари баён этилган. Тадқиқот ТошПТИ госпитал болалар хирургияси, болалар онкологияси кафедрасининг клиник базаси – Республика перинатал маркази қошидаги Республика неонатал хирургия ўқув-даволаш-методик марказида 2006-2017 йилларда омфалоцеле билан даволанган 103 нафар чақалоқда олиб борилди. Улардан 45 (44%) нафари қиз бола, 58 (56%) нафари ўғил бола бўлиб, чақалоқлардан 84 (82%) таси вақтида туғилган, 19 (18%) таси эса муддатига етмай туғилган. Беморларнинг ёши 1-4 кунликни ташкил қилди: 1 кунлик – 76 (73,8%); 2 кунлик – 15 (14,6%); 3 кунлик – 6 (5,8%); 4 кунлик – 6 (5,8%) та чақалоқ. Омфалоцеле билан касалланган беморлар икки гуруҳга тақсимланди. 48 (46,6%) бемор клиникага 2006-2010 йилларда ётқизилган бўлиб, муаллиф томонидан ретроспектив тарзда таҳлил этилган (таққослов гуруҳи). 55 (53,4%) бемор эса 2011-2017 йилларда даволанган бўлиб, муаллиф ушбу беморларни текшириш ва даволашда бевосита иштирок этган (асосий гуруҳ).


Назоратимизда бўлган 103 та беморнинг 91 (88,3%) нафарига жарроҳлик муолажалар бажарилди. 12 (11,7%) та бемордан 6 (50%) нафари операциягача нобуд бўлди, 6 (50%) та беморга эса операция ўтказишга монелик қилувчи қўшимча қўплаб нуқсонлар борлиги сабабли консерватив даволаш ўтказилди. Ушбу 103 нафар беморнинг оналарига ҳомиладорликнинг турли ҳафталарида туғруқ комплексларида ва скрининг марказларда УТТ ўтказилган бўлиб, фақат 63 (61,2%) тасидагина омфалоцеле антенатал даврида аниқланган. УТТ ёрдамида омфалоцелени антенатал даврда аниқланган 63 (61,2%) та беморларнинг ҳаммасига кейинги текширув босқичда доплер текшируви ўтказдик. Допплер текшируви киндик венасидаги қон томирлари ҳолатини ва қон оқиш тезлигини ўлчаш имконини берди. Бунда чурра ўлчами қанча кичик бўлса киндик венасида қон оқиш тезлиги шунча юқори, чурра ўлчами қанча катта бўлса киндик венасидаги қон оқиш тезлиги шунча паст бўлди. Қон оқиш тезлигини юқори ёки паст бўлиши даволаш натижасига таъсир кўрсатди. Қон оқиш тезлиги юқори бўлган ҳолатларда чурра қопчасида асоратлар кузатилмади, паст бўлган ҳолатларда эса чурра қопчасининг ёрилиши кузатилди. Хулоса қиладиган бўлсак, киндик венасида қон оқиш

тезлиги паст бўлса чурра қопчасининг ёрилиш хавфи юқори бўлади ва бу ҳолат физиологик туғруққа қарши кўрсатма бўлади.

Диссертациянинг **“Омфалоцеленинг клиник кечиши ва ташхислаш”**, деб номланган учинчи бобида чақалоқларда омфалоцеленинг клиник кечиш хусусиятлари баён этилган, комплекс текшириш натижалари келтирилган.

Чақалоқларда омфалоцеле клиникасида юрак-қон томир, нафас системаси ва қорин бўшлиғи аъзолари фаолияти асосий ўрин тутди. Шунга асосан омфалоцелени чақалоқларда клиник кечишига кўра асоратланмаган ва асоратланган шаклларга бўлди. Омфалоцеленинг клиник кечишини бундай бўлиниши даво усулини танлашда асосий аҳамият касб этди. 103 та омфалоцеле билан касалланган беморларнинг 59 (57,3%) тасида омфалоцеле ягона ривожланиш нуқсони бўлди, 44 (42,7%) тасида эса омфалоцелега қўшимча ҳолатда кўп сонли йўлдош аномалиялар аниқланди. Йўлдош нуқсонлар орасида чақалоқларнинг 21 (47,7%) тасида юрак-қон томир тизими нуқсонлари, 13 (29,6%) тасида ошқозон ичак системаси ва 10 (22,7%) нафарида эса бошқа аъзолар нуқсонлари кузатилди. Шунини таъкидлаш керакки, омфалоцеле ўлчамлари қанчалик катта бўлса, қўшимча нуқсонлар шунчалик кўпроқ учради. Чунончи, 24 та катта ўлчамли омфалоцеле бўлган болаларнинг 23 (95,8%) тасида кўп сонли нуқсонлар борлиги аниқланди. Шунингдек, беморларнинг клиник белгиларини юзага чиқишида туғруқхонадан жарроҳлик шифохонасига транспортировка қилиш ҳам катта аҳамият касб этди. Хусусан, назоратимизда бўлган 103 та бемордан 12 (11,7%) нафарида транспортировка вақтидаги камчиликлар (йўлда совуқ қотиш, оғриқ шоки, ошқозонда зонд бўлмаганлиги сабабли ошқозон суюқлигини нафас йўллариغا аспирация бўлиши, чурра қоқи, яъни амнион пардани совуқ сувда намланган докали қоплама билан ёпилиши) туфайли шифохонага оғир аҳволда олиб келинган. Бу эса ўз навбатида узок муддатли операция олди тайёргарлигини талаб қилиб, операциядан кейинги давр оғир кечишига сабабчи бўлди. Объектив кўрувда чурранинг юқори қисмида унинг варақлари билан туташиб кетган кесилган киндик қолдигининг қисми ва киндик венаси кўринса, унинг пастки қисмида эса жуфт жойлашган киндик артериялари кўринади. Қорин бўшлиғи дефекти доимо чурра бўртмасига пропорционал бўлмади, яъни дефект кичкина, чурра катта ҳажмда бўлди. Барча ҳолатларда амниотик қаватнинг терига ўтиш соҳаси орасидаги чегара яққол намоён бўлиб, кўп ҳолларда чурра асосида ёки баландроқ жойлашди. Чақалоқларнинг ҳаётини 1- кунда (76 - 73,8% бемор) киндик қоплами варағи ялтироқ, оқимтир, нам тиник ва шаффоф бўлса, 27 (26,2%) та беморда вақт ўтиши (2-4 кун) билан чурра варағининг қуриши ва аста секин фиброз тўқима билан алмашиниши кузатилди. Киндик тизимчаси чурраси бор барча чақалоқларга келганда ошқозон ичак тизимининг декомпрессияси ва чурра қопчасига стерил қуруқ резина қўлқоп кийдирилиб, унинг устидан иссиқ намланган салфетка ёпиб ҳимоялаш муолажалари ўтказилди. Таққослов гуруҳидаги 48 нафар бемордан 22 (45,8%) та бемор шифохонамизда туғилган ва уларнинг барчасига ошқозонни декомпрессия мақсадида нозогастрал зонд

қўйилган. Аммо бу гуруҳдаги бирорта беморга ҳам ичакларнинг сифонли ҳўқнаси қилинмаган. Натижада бу ҳолат даво натижасига салбий таъсир кўрсатган. Асосий гуруҳидаги 55 нафар бемордан 41 (74,5%) та бемор шифохонамизда туғилган ва уларнинг ҳаммасига ошқозонни декомпрессия мақсадида нозогастрал зонд қўйилган, ҳамда ичаклар декомпрессияси мақсадида ичакларнинг сифонли ҳўқнаси қилинган. Бу муолажалар чурра ўлчамларини кичиклаштириб, даво натижасига ижобий таъсир кўрсатди. Асосий гуруҳидаги 55 та бемордан 14 (25,5%) та бемор бошқа касалхоналарда туғилган. Ушбу 14 та бемордан 9 (64,3%) тасига ошқозонни декомпрессияси мақсадида нозогастрал зонд қўйилган, аммо ичаклар декомпрессияси мақсадида бирорта беморга ҳам ичакларнинг сифонли ҳўқнаси қилинмаган. Натижада бу ҳолат даво натижасига салбий таъсир кўрсатди. Комплекс антенатал ташхислаш ҳомиладорлик муддатини чўзиш, чақалоқ ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи ёндош туғма нуқсонини аниқлаш, туғишнинг ягона усулини танлаш ва ўз вақтида чақалоқларга ихтисослашган жарроҳлик усулини кўрсата олиш имконини беради, бу эса шундай патологияли чақалоқларнинг яшаб кетишига ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, изланишларимиз натижасида биз омфалоцеледа акушерлик усулини танлаш алгоритминини ишлаб чиқдик (1 - расм).




1 - расм. Омфалоцеледа акушерлик усулини танлаш алгоритми.

Кузатувимизда бўлган 103 та чақалоқларнинг 35 (34%) тасида омфалоцеле РПМда антенатал аниқланиб шу жойда назорат остида туғилган. 35 та беморнинг ҳаммасида омфалоцеле ҳомиладорликнинг 12-33 ҳафта оралиғида аниқланган. 28 (27,2%) та ҳолатда ҳомиладорларда омфалоцелени антенатал ташхислаш яшаш жойидаги тиббиёт муассасаларида аниқланиб,

туғрукни амалга ошириш учун РПМга юборилган. 28 та беморнинг ҳаммаси ҳомиладорликнинг 34-39 ҳафта оралиғида аниқланган.

40 (38,8%) нафари бошқа касалхоналарда туғилиб, омфалоцеле ташхиси туғилгандан сўнг қўйилган ва 27 (67,5%) таси ҳаётининг иккинчи ва ундан кейинги кунларида клиникага оғир аҳволда олиб келинган. Ушбу чақалоқларнинг аҳволининг оғирлашишига адекват инфузион терапия ва оғриқсизлантириш ўтказилмаганлиги, аспирация ҳисобига ривожланган пневмонияга антибактериал терапия бошланмаганлиги, нафас етишмовчилиги ва йўлдаги гипотермия асосий сабаб бўлиб хизмат қилган. Юқоридаги текширув натижаларини таҳлил қилиб биз омфалоцеленинг ўлчамларига боғлиқ равишда шифохонагача кўрсатиладиган биринчи ёрдам кўрсатиш ва транспортировка қилиш алгоритмини ишлаб чиқдик (2 - расм).



2 - расм. Омфалоцеледа туғруқхонадаги биринчи ёрдам кўрсатиш ва транспортировка қилиш алгоритми.

Ушбу алгоритмдан кўриниб турибдики, кичик ва ўрта ўлчамли омфалоцеледа бола туғилиши билан чурра пардаларига илиқ стерил фурациллин эритмаси билан ишлов берилди ва чурра қопига стерил резина қўлқоп кийдириб, устидан илиқ нам салфетка билан ёпилади. Катта ўлчамли омфалоцеледа бола туғилиши билан чурра пардаларига илиқ стерил фурациллин эритмаси билан ишлов берилиб, чурра қопига стерил резина қўлқоп кийдириб, устидан илиқ нам салфетка билан ўралгандан кейин чуррани бола танасига лейкопластир ёрдамида мустаҳкамланади, яъни

фиксация қилинади.

Диссертациянинг “**Омфалоцелени даволаш усуллари**”, деб номланган тўртинчи бобда хирургик тактика баён этилган. Барча беморларга операция олди тайёргарлиги қонинг клиник-лаборатор, биокимёвий кўрсаткичларини ва боланинг умумий аҳволини ҳисобга олган тарзда амалга оширилди. Операция олди тайёргарлиги гомеостаз бузилишларини коррекция қилишдан иборат бўлди ва у 6-24 соатни ташкил қилди. Бунда унинг давомийлиги бемор ҳолатининг оғирлик даражасига, тана ҳароратини нормаллаштиришига, йўқотилган суюқлик миқдорини қоплаш, қоннинг кўрсаткичларини яхшилаш (гемоконцентрацияни камайтириш, метаболитик ацидоз), периферик гемодинамикани стабиллаш, адекват диурезни ҳосил қилишга (1 мл/кг/с гача) кетган вақтга боғлиқ бўлди. Барча беморларга назогастрал зонд қўйилиб, у орқали пассив ва актив усулда ошқозондаги ҳаво ва суюқлик чиқариб олинди. Ичакни декомпрессия қилиш мақсадида эса йўғон ичакга қўйилган газ чиқарувчи найчадан 1% NaCl нинг гипертоник эритмаси юбориб, сифонли хўкна амалга оширилди. Бу бизга декомпрессия, яъни чурра ўлчамлари ва эвентерацияланган ичаклар ҳажмининг кичрайишига имконият яратди. Омфалоцеле билан даволанган 103 чақалоқдан 91 (88,3%) нафарига оператив даво ўтказилди. Қолган 12 (11,7%) нафар беморга консерватив даволаш ўтказилди. Консерватив даво ўтказилган 12 бемордан 10 (83,3%) нафарида катта ўлчамли эмбрионал чурра билан йўлдош нуқсонлар келган, 2 (16,7%) нафарида эса катта ўлчамли эмбрионал чурра йўлдош нуқсонларсиз келган. Шунингдек, консерватив даво ўтказишга болаларнинг ота-оналари таклиф этилган жарроҳлик муолажасидан қаятий бош тортишлари ҳам сабаб бўлди. Консерватив даво куйидагича амалга оширилди: чурра ҳалтасига 5% йод настойкаси ёки повидон-йодин (бетадин) билан кунига 5 мартагача чуррага ишлов берилди ва кейинчалик у кунига 1-2 мартагача камайтирилди. Чурра таркибининг ятроген шикастланиши бўлган 3 (3,3%) та боладан биттасига ичак мальротацияси ҳисобига Меккел дивертикули ёнида ичак некрозга учраган. Шунинг учун ҳам бу беморга Меккел дивертикули ва ингичка ичак резекцияси, учма-уч анастомоз қўйиш операцияси ўтказилди. Юқоридаги беморлардан фарқли равишда бу беморда ингичка ичак катта ҳажмда резекция бўлди. Қолган 2 та беморда эса киндикнинг пастдан боғланиши ҳисобига ичак некрози, натижада эса перитонит ривожланган. Бу беморларда қорин бўшлиғи санацияси, қорин олд девори пластикаси ва контрапертура орқали илеостома қўйиш операцияси ўтказилди.

Юқоридаги мисоллардан хулоса қиладиган бўлсак, омфалоцеледа киндикни пастдан боғлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Жами 91 та операция қилинган чақалоқларнинг 77 (84,6%) тасига радикал оператив муолажа ўтказилди. 14 (15,4%) та беморларга босқичли хирургик даво усули ва 12 (11,7%) та ҳолатда консерватив даво қўлланилди. Таққослов гуруҳидаги 48 нафар беморларнинг 38 (79,2%) тасига жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Асосий гуруҳдаги 55 нафар беморнинг 53 (96,4%) тасида жарроҳлик муолажаси ўтказилди. Омфалоцеледа чурра ҳажмига қараб ҳам даво усули танланди (1-жадвал).

Таққослов ва асосий гуруҳ беморларининг чурра ўлчамига қараб ўтказилган даво усулларининг қиёсий таҳлили n=103


Даволаш усуллари	Таққослов гуруҳ (n=48)			Асосий гуруҳ (n=55)			Жами
	Кичик	Ўрта	Катта	Кичик	Ўрта	Катта	
Радикал	17 (35,4%)	16 (33,3%)	-	23 (41,8%)	20 (36,4%)	1 (1,8%)	77 (74,7%)
Вентрал чурра	-	-	5 (10,4%)	-	-	9 (16,4%)	14 (13,6%)
Консерватив	-	-	10 (20,8%)	-	-	2 (3,6%)	12 (11,7%)
Жами	17 (35,4%)	16 (33,3%)	15 (31,3%)	23 (41,8%)	20 (36,4%)	12 (21,8%)	103 (100%)

$$\chi^2 = 23,21; p=0,01$$

Юқоридагиларни ҳисобга олиб омфалоцеледа чурра ўлчамига қараб даво усулини танлан алгоритмини ишлаб чиқдик. Бунга асосан кичик ва ўрта ўлчамли, яъни 3-5 смгача бўлган омфалоцеледа туғруқ физиологик йўл билан, катта ўлчамли яъни, чурра ўлчами ≥ 5 см гача бўлган омфалоцеледа эса кесарча кесиш операцияси ёки физиологик туғруқ билан олиб борилди, бунда операция олди тайёргарлиги 6-24 соатни, чурра қопи ёрилганда эса 3-6 соатгача бўлган вақтни ўз ичига олди. Кичик ва ўрта ўлчамли омфалоцеледа қорин олд девори бирламчи пластикаси ўтказилди, катта ўлчамли омфалоцеледа эса пластиканинг 1- босқичида апоневроз ҳисобига вентрал чурра ҳосил қилиниб, 3-5 ёшларда қорин олд деворининг тўлиқ пластикасини ўтказиш тавсия этилди. Қуйида биз тавсия этган омфалоцеледа чурра ўлчамига қараб оптимал даво усулини танлаш алгоритими келтирилган (3 - расм).

Ушбу даволаш алгоритми омфалоцеле билан туғилган беморларнинг оператив даволашга тайёргарлигини ва операция усулини танлашни аниқлаб беради. Биз ўз илмий ишимизда катта ўлчамдаги омфалоцелеларни операция қилиш ва унда қорин олд девори пластикаси янгича усулини ишлаб чиқдик (Ихтирога патент: “Чақалоқларда катта ўлчамдаги омфалоцелени даволаш усули” IAP 05314 - сонли, 2016 йил). Бу усул 9 (37,5%) нафар катта ўлчамли омфалоцелеси бўлган беморларда қўлланилди. Ушбу усул билан биз қорин бўшлиғи ҳажмини катталашишига ва висцеро-абдоминал диспропорцияни камайтиришга эришдик. Натижада биз таклиф этган янги операция усули қўлланилган 9 та бемордан 8 (88,9%) нафарида яхши натижага эришилди, 1 (11,1%) беморда йўлдош нуқсон борлиги сабабли ўлим ҳолати кузатилди. Биз тавсия этган комплекс даволаш усулини қўллаш омфалоцеледан жами чақалоқларнинг нобуд бўлишини 43,8% дан 20% гача, шундан катта ўлчамли омфалоцеледа ўлим кўрсаткичларини 50% дан 11,1% гача камайтиришга сабаб бўлди. Ўлим кўрсаткичларининг камайиши оптимал даволаш усулини қўллаш ҳисобига висцеро-абдоминал диспропорция даражасининг пасайиши билан боғлиқ бўлди. Чунки бу гуруҳдаги беморларда ичакларни сифонли ҳуқна ва назогастрал зонд орқали декомпрессия қилиш, чурра ўлчамларини

кичиклашишига ва уларни операция вақтида қорин бўшлиғига эркин жойлашишига имкон яратди.



3 - расм. Омфалоцеледа даволаш усули алгоритми.

Диссертациянинг “Омфалоцелени даволашнинг эрта ва узок натижаларини таҳлили”, деб номланган бешинчи бобида даволаш натижалари таҳлили баён этилган. 103 та чақалоқдан 91 (88,3%) тасига оператив даво ўтказилди: 77 (84,6%) тасига радикал операция ўтказилди, 14 (15,4%) нафарига эса босқичли операция қўлланилди. 12 (11,7%) беморга консерватив даволаш ўтказилди. Такқослов гуруҳидаги 48 нафар беморларнинг 38 (79,2%) тасига жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бу гуруҳда 2 (4,2%) нафарига вентрал чурра (Гросс усули) ҳосил қилинди 3 (6,3%) та ҳолатда нуқсон четига Шустер копига ўхшаш резина қўлқоп 8-10 кунга тикилиб, аста-секин висцеро-абдоминал диспропорцияни бартараф этиш ва болани операциянинг иккинчи босқичига тайёрлаш учун (қорин олд девори радикал пластикаси ёки вентрал чурра ҳосил қилиш мақсадида) ҳар кун унинг ҳажми кичрайтирилиши билан олиб бориладиган босқичли жарроҳлик коррекцияси ўтказилди. 48 бемордан 11 (23%) нафари операциядан кейин, 10 (20,8%) таси консерватив даводан кейин нобуд бўлди ва мазкур гуруҳда ўлим 21 (43,8 %) нафарни ташкил этди. Асосий гуруҳдаги 55 нафар беморнинг 53 (96,4%) тасида жарроҳлик муолажаси ўтказилди. Улардан 44 (83,0%) тасига радикал ва 9 (17,0%) тасига апоневроз ҳисобига вентрал чурра ҳосил қилиш паллиатив операцияси ўтказилди. Шунини такидлаш жоизки, бу гуруҳдаги 44 та радикал операция бўлган беморлардан 1 нафарига омфалоцеленинг катта ўлчамли бўлишига қарамасдан радикал операция ўтказилди. Чунки бу болада ўртача даражадаги висцеро-абдоминал диспропорция мавжуд бўлиб, бундай ҳолатларда радикал операция бемор ҳаётига хавф солмайди. Бундай

вазиятларда болани операциядан кейинги даврда 4-5 кун мобайнида қорин олд девори мушаклари релаксацияда ушлаб туриш, қорин бўшлиғини тез муддатларда ўсиб янги ҳолатга мослашиб олишига имкон яратади. Қолган 2 (3,6%) та беморда катта ўлчамли чурра оғир кўшимча нуқсонлар билан бирга келгани учун консерватив даво муолажалари олиб борилди. Аммо ўтказилган муолажаларга қарамасдан чақалоқларда полиорган етишмовчилик натижасида ўлим ҳолати қайд этилди. Асосий гуруҳидаги жами 44 та радикал операция бўлган бемордан 9 (16,4%) нафари кичик ва ўрта ҳажимли чурра бўлишига қарамасдан операциядан кейин ўлим ҳолати кузатилди. Шундай қилиб, мазкур гуруҳда ўлим 11 (20%) нафарни ташкил этди ва уларнинг барчасида 2 ва ундан ортиқ тизим нуқсонлари мавжуд эди (ошқозон ичак тизими, юрак қон томир тизими нуқсонлари, Беквитт-Видеманн синдроми).

Қуйидаги диаграммада омфалоцеле билан касалланган беморларнинг даволаниш натижалари гуруҳлар кесимида келтирилган (4 - расм).



4 - расм. Омфалоцеле билан даволанган беморларнинг гуруҳлар кесимидаги натижалари.

Хулоса қиладиган бўлсак, биз таклиф қилган алгоритмлар ва клиникамизда ишлаб чиқилган янги операция усули натижасида асосий гуруҳда даволаниб чиққан беморлар сони 23,8% га ошди, ўлим ҳолати 1,9 баробарга камайди.

Ўтказилган таҳлилларимизга кўра омфалоцеле билан операция бўлган 91 бемордан 42 (46,2%) нафарида операциядан кейинги эрта даврда турли хил асоратлар кузатилди. Операциядан кейинги ичак парези, операцион жарроҳатни йиринглаши ва пневмония аломатлари ҳар икки гуруҳда деярли бир хилда кузатилди. Аммо, висцеро-абдоминал диспропорция аломатлари назорат гуруҳидаги беморларда деярли икки баробар (14,6%) кўп ҳолатда кузатилди. Таққослов гуруҳидаги беморларда 52,1%, асосий гуруҳда эса 30,9% ҳолатда операциядан кейинги эрта асоратлар кузатилди.

Айтиб ўтиш лозимки, барча 32 (31%) нафар нобуд бўлган болаларда оғир соматик фон, аспирацион бронхопневмония мавжуд бўлиб, улардан 11 (34,4%) таси муддатига етмай туғилган эди. Нобуд бўлганлар орасидан 21

(66%) нафарида 2 ва ундан ортиқ тизимларида кўплаб нуқсонлари бўлиб, улар ушбу болалар ўлимининг асосий сабабларидан бири бўлди. Операция натижаларига ва чақалоқларнинг яшаб кетишига уларнинг туғилгандаги вазни, висцеро-абдоминал диспропорциянинг даражаси, йўлдош нуқсонлар борлиги ва чурра ўлчамлари аҳамият касб этиши аниқланди. Шубҳасиз, чақалоқларнинг яшаб кетиш имконияти омфалоцеленинг кичик ва ўрта ўлчамларида юқори, катта ўлчамли эмбрионал чурраларда эса пастроқ. Чурра ўлчамлари ва касаллик билан биргаликда келадиган нуқсонлар ўртасида алоқа борлиги аниқланди. Қанча чурра ўлчами катта бўлса биргаликда келадиган нуқсонлар сони ҳам шунча кўп бўлади. Бундан ташқари, операциядан кейинги давр ва оператив муолажа жараёнига ўзининг аҳамиятли таъсирини, нейросонография пайтида аниқланган чақалоқлардаги мия ичи ўзгаришлари ҳам кўрсатди. 32 (31%) нафар нобуд бўлган беморларнинг бевосита 4 (12,5%) тасида ўлим сабаби деб туғруқ пайтидаги бош мия ичига қон қуйилиши ва мия шиши ҳисобланди.

Омфалоцеле билан даволанган беморлардаги даволашнинг узок натижалари 71 та касалхонадан чиқарилган бемордан 56 (78,9%) тасида 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда ўрганилди. Даволашнинг узок натижаларини баҳолашда беморнинг тана вазни, юқори нафас йўллари яллиғланиши, ошқозон ичак тизими аъзолари дисфункцияси, вентрал чурра ўлчамлари ва ҳолати, қорин бўшлиғидаги чандиқли жараён ҳисобига бўладиган оғриқлар ҳисобга олинди. Омфалоцеле билан даволанган беморларда даволашнинг узок натижалари Перунский В.П. (2008 й.) тавсия қилган усул билан яхши, қониқарли ва қониқарсиз ҳолатда баҳоланди.

Операциядан кейинги даволашнинг узок давридаги яхши натижада 20 (35,7%) нафар беморларнинг ҳаммасида гомеостазнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари нормаллашди; тана вазни ёшига мос равишда бўлди. Операциядан кейинги кузатилиши мумкин бўлган асоратлар, яъни ошқозон ичак дисфункцияси: қусиш, ич қотиши ёки ич кетиши; қорин бўшлиғида битишмали касаллик аломатлари: қоринда вақти–вақти билан оғриқ, қусиш, ич қотиши кузатилмади. Ушбу 20 нафар бемордан 14 (70%) тасида вентрал чурра йўқ, 6 (30%) нафарида эса вентрал чурра бўлиб, кейинги босқич операция муддатини кутишмоқда.

Операциядан кейинги даволашнинг узок давридаги қониқарли натижа 25 (44,6%) нафар беморларда кузатилди. Бунда гомеостазнинг клиник-лаборатор кўрсаткичларида қисман ўзгаришлар кузатилди: енгил даражали камқонлик; I даражали гипотрафия; йил давомида 3-4 марта қайталанувчи ошқозон ичак дисфункцияси; йил давомида 2-3 марта қайталанувчи қорин бўшлиғида битишмали касаллик аломатлари: қоринда вақти–вақти билан оғриқ, қусиш, ич қотиши кузатилди.

Операциядан кейинги даволашнинг узок давридаги қониқарсиз натижа 11 (19,6%) нафар беморларда кузатилди. Бунда гомеостазнинг клиник-лаборатор кўрсаткичларида яққол ўзгаришлар кузатилди: ўрта оғир ва оғир даражали камқонлик; II-III даражали гипотрафия; йил давомида 6-7 марта

қайталанувчи ошқозон ичак дисфункцияси; йил давомида 4-5 марта қайталанувчи қорин бўшлиғида битишмали касаллик аломатлари: қоринда вақти-вақти билан оғриқ, қусиш, ич қотиши кузатилди. 11 нафар қониқарсиз натижали бемордан 3 (27,3%) нафарига кечки битишмали ичак тутилиши билан жарроҳлик муолажаси ўтказилди.

ХУЛОСА

1. Омфалоцеле туғма нуқсонлар, шунингдек қорин олд девори аномалиялари тизимида тегишли тарзда 3,2% ва 37,2% ни ташкил қилади ва пренатал ультратовуш скрининг ташхислашда ҳомиладорликнинг учинчи уч ойлигида 55,6% беморларда 61,2% аниқлик даражасида белгилаш имконияти мавжуд.

2. Антенатал даврда омфалоцелени аниқлаш катта аҳамият касб этади. Ҳомиладорликни сақлаб қолиш ёки тўхтатишга кўрсатмани белгилаш, шунингдек туғруқ жараёнини табиий ҳолда ёки Кесарча кесишни танлаш чурра ўлчамларининг катталиги, асоратланишга мойиллиги ҳамда уйғунлашган мавжуд туғма нуқсоннинг мураккаблиги ва уни постнатал даврда коррекциялаш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

3. Омфалоцеле ўғил болаларда нисбатан кўп кузатилади (56%). Ўлчамларига кўра 76,7% беморларда кичик ва ўрта ўлчамли, 23,3% да эса катта ўлчамларда учрайди. Асоратланган шакллари деярли барча ҳолатларда катта ўлчамли турларига хос. 42,7% ҳолларда ушбу нуқсон турли туғма нуқсонлар билан уйғунлашиб кечади, ўлчамларининг катта бўлишида ҳамроҳ нуқсонлар ривожланиш эҳтимоллиги ошиб, хусусан, 95,8% ҳолатларда катта ўлчамли омфалоцеледа учрайди.

4. Омфалоцеледа хирургик даво усулини танлаш висцеро-абдоминал диспропорция даражаси, чурра ўлчамлари, соматоневрологик ҳолат ва ҳамроҳ нуқсонлар оғирлигига боғлиқ. Даволашда радикал оператив усул мақбул ҳисобланиб кичик ва ўрта ўлчамли чурраларда анъанавий усул билан, катта ва гигант ўлчамли чурраларда эса висцеро-абдоминал диспропорцияни бартараф этишда таклиф этилган усулдан фойдаланиш яхши самара беради.

5. Омфалоцеленинг хирургик коррекциясида жигарни оптимал жойлаштириш ва қорин бўшлиғи ички босимини ошқозон ичак тракти декомпрессияси ҳисобига нисбатан камайтиришга эришиш операциядан кейинги даврнинг мақбул кечиши ва қорин бўшлиғи аъзоларининг фаолиятини эрта тикланишига олиб келади ва даволаш натижаларини яхшилаш имкониятини яратади.

6. Омфалоцеле билан операция қилинган беморларда даволашнинг узок даврида 35,7% ҳолатда яхши, 44,6% - қониқарли ва 19,6% - қониқарсиз натижа кузатилди. Бунда операциядан кейинги даволашнинг узок натижалари чурра ўлчами ва йўлдош нуқсонларга боғлиқ бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06. 2017.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

РУЗМАТОВ ИЗЗАТБЕК БАХТИЁРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДИАГНОСТИКИ И ХИРУРГИЧЕСКОГО
ЛЕЧЕНИЯ ОМФАЛОЦЕЛЕ У НОВОРОЖДЕННЫХ**

14.00.35 – Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Tib381.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Эргашев Бахтиёр Бердалиевич**
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты: **Эргашев Насриддин Шамсиддинович**
доктор медицинских наук, профессор
Шамсиев Азамат Мухиддинович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Таджикский государственный медицинский университет имени Абуали ибни Сино**

Защита состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик ҳалқа йўли,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №70). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик ҳалқа йўли, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2019 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «в структуре детской летальности особенно велика смертность детей первого месяца жизни, составляющая 40-65%, причиной которой являются врожденные пороки развития, требующие немедленного хирургического вмешательства»¹. К одному из самых тяжелых вышеуказанных пороков относятся омфалоцеле или грыжи пупочного канатика, встречающиеся в 1,6-3,2% случаев среди всех других аномалий развития. Летальность без своевременного лечения может достигать 100%. До настоящего времени нет единой общепринятой методики лечения этого порока развития. «Особенно много различий в подходах при лечении больших и гигантских омфалоцеле, при которых выраженная висцеро-абдоминальная диспропорция ограничивает применение радикального метода пластики передней брюшной стенки с использованием местных тканей»². Проведение операции в таких случаях приводит к серьезным осложнениям, часто к летальному исходу, причиной которого является развитие синдрома сдавления нижней полой вены или компартмент синдрома. С целью предупреждения данного состояния используются разные варианты пластических методов хирургии с применением различных синтетических лоскутов. Однако, показания к выполнению различных вариантов пластики с синтетическими лоскутами в ряде случаев необоснованны, что чревато возникновением серьезных послеоперационных осложнений, в связи с чем дальнейшие исследования в этом направлении остаются в разряде приоритетных.

В мировой практике на сегодняшний день продолжают многоцентровые научные исследования, направленные на различные аспекты раскрытия патогенеза омфалоцеле, в частности, изучается влияние на развитие этой патологии двух факторов - расстройство 1-го периода внутриутробного поворота кишечника и нарушение процесса формирования передней брюшной стенки. Активно исследуются причинно-следственные связи образования дефектов передней брюшной стенки различной величины, особенно на ранних этапах эмбриогенеза, когда формирование порока приводит к развитию патоморфологических и патофизиологических изменений в организме плода. Продолжается патоморфологический анализ образования грыжи пупочного канатика на фоне несвоевременного закрытия желточного протока и в результате чего нарушение процесса вращения кишечника, при котором часть органов остаётся в пупочных оболочках и препятствует нормальному замыканию передней брюшной стенки.

В настоящий период в отечественном здравоохранении предприняты масштабные целевые меры по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению

¹ World Health Organization. Neonatal Surgeri: fact sheet no. 12. World Health Organization website, 2017. <https://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs12/en>, accessed February 14.

² Aljhdali AH, AL-Buainain HM, Skarsgard ED. Staged closure of a giant omphalocele with amnion preservation, modifid technique //Saudi Med J.- 2017.- Vol. 38 (4). -P. 422-424.

медицинской помощи, в частности, в улучшении качества хирургического лечения детей с омфалоцеле достигнуты положительные результаты. «В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности»³. В соответствии с этим, улучшение результатов хирургического лечения омфалоцеле у новорожденных путём оптимизации диагностики и расширения радикальности хирургического вмешательства является одним из актуальных направлений для исследования.

